

РЕФЛЕКСИВЛИК ХУСУСИЯТИНИ ТАЛАБАЛИК ДАВРИДА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШГА ТАЪСИРИ

Н.Т.Убайдуллаев

Низомий номидаги ТДПУ таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7619113>

Аннотация. Мақолада шахсдаги рефлексивликни ўзини ўзи бошқариш хусусиятига таъсирини ўрганишга қаратилган. Унга кўра, талабалик даврида рефлексивликни шаклланишига ўзини ўзи бошқаришнинг таъсир хусусиятлари эмпирик тадқиқотлар асосида ўрганилганлик даражасига доир маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: шахс, рефлексия, ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи кузатиш, интроспекция, ретроспекция, сензитив давр, рефлексивлик, келажакдаги фаолият рефлексияси, мулоқот ва бошқа шахслар билан ўзаро таъсир рефлексияси, режалаштириш, моделлаштириш, дастурлаштириш, натижаларни баҳолаш, эгилувчанлик, мустақиллик.

Маълумки, рефлексия феномени илмий-психологик тадқиқотлар предмети сифатида кенг ўрганилмоқда. Рефлексия феноменининг терминологик майдони чегараланган бўлиб, унинг контекстида ўзини ўзи билиш, интроспекция, ретроспекция, ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи кузатиш, ўзини ўзи бошқариш каби ўзаро боғланган тушунчалар муайян иерархия бўйича жойлашгандир. Онг ва фаолият муаммоси контекстида рефлексия муаммосига оид ишланмалар XX асрнинг 80-йилларида Москвадаги методологик тўғаракда яратилган бўлиб, Г.П.Шchedровицкий ва В.А.Лефеврлар номи билан боғлиқдир. Г.П.Шchedровицкийнинг фикрича, рефлексия – “фаолиятнинг ички акти ўртасидаги ўзига хос кооператив алоқа, кооперациянинг кооперат ва кооперантларни бирлаштирувчи муҳим таркибий қисмидир”» [13]. Рефлексиянинг турли кўринишларини тушунтириш учун муаллиф кооператив алоқа схемасини таклиф қилади. У рефлексив муносабатларга турли индивид ва турли фаолиятлар ўртасидаги кооперация тури сифатида қарайди. Файласуф рефлексив кооперацияни асосий парадоксни яъни, ўзаро тушунишнинг мавжуд эмаслиги ва тушунишни таъминлаш усулларини қидириш, деб ифодалайди. Ўзаро тушуниш имкониятининг мавжуд эмаслиги рефлексия қилинаётган ва рефлексия қилаётган фаолият ўртасидаги тенгсизлик, уларнинг турли иерархик даражаларда жойлашганлиги, объектлар ва фаолият воситаларининг турли-туманлиги билан изоҳланади.

Биринчи индивид учун ягона имконият иккинчи индивид хабарида жойлашган мазмунни адекват тушуниш, унинг “нуқтаи назарида бўлиш, фаолиятдаги унинг мақомини қабул қилишдан иборат”. Уни ижодий механизмга айлантириш учун у “рефлексия қилинаётган ва рефлексия қилаётган фаолиятни ҳақиқий кооперация доирасида бирлашиши учун зарур бўлган шарт-шароит ва воситаларни яратувчи конструктив амаллар билан тўлдириши лозим» [11].

Г.П.Шchedровицкий билан баҳсларнинг натижасида В.А.Лефеврнинг рефлексия ҳақидаги тасаввурлари шаклланди: “рефлексия–бу бошқа персонажга, унинг хатти-ҳаракати ва фикрларига нисбатан тадқиқотчи мақомида бўла олиш қобилиятидир” [2].

А.В.Карповнинг фикрича, ҳозирга қадар рефлексия муаммосини тадқиқ этишда мавҳум-фалсафий ёндашув аниқ-илмий ёндашувдан устун бўлган. «Тадқиқот предмети сифатида рефлексия кўп ҳолларда онтологик тасаввурлар сифатида ва психик борлиқнинг махсус қонуниятларига эга тизими деб қаралган ва гносеологик жиҳатдан умумий режада ўрганилган бўлиб, “рефлексия ҳақидаги позитив фан”нинг ривожланишига тўсқинлик қилган. Муаллиф бунинг сабабини рефлексияни тадқиқ этишнинг узоқ фалсафий ва қисқа психологик тарихга эга эканлигида деб билади [1].

Замонавий психологик луғатларда рефлексиянинг ўзини ўзи назорат қилиш ва бошқариш жараёни билан боғлиқлиги ҳақида маълумотлар келтирилади. Хусусан, психологик луғатда эса (В.Б.Шапарь): «Психик ўзини ўзи бошқариш – бу тизим фаоллигини бошқариш даражасининг бири бўлиб, борлиқни акс эттириш ва моделлаштириш, жумладан, рефлексия воситаларини қўллашда намоён бўлади» деб келтирилади [9]. Психологиянинг яна бир замонавий луғатида (В.В.Юрчук): «рефлексив-иродавий бошқаришнинг моделлар-кондициялар-омиллари ўзини ўзи бошқаришнинг базал ингредиентидан бири сифатида ўзини ўзи назорат қилишга асосланади» [14] деб таърифланган.

Рефлексия ёрдамида шахсда ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилиш тажрибаси юзага кела бошлайди. Бу қадриятли фикрлаш жараёни билан бевосита боғлиқ саналади. Шунингдек, у шахсни ташқи шарт-шароитларга мослашишга ёрдам беради. Асосийси психиканинг бошқа имкониятларидан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитларни ҳам яратиш беради. Ўсмирлик даврида шахс ўз оламига шўнғиб кетиши натижасида ўз фикрлари, ҳиссиётлари ва хатти-ҳаракатларини ўйлашдан завқ олади. Ўсмир ўзгалар билан муносабат ва мулоқот қилиш натижасида рефлексияни амалга оширади. Унда атрофдаги ҳодиса фикрларни қабул қилиш ёки қилмасликка нисбатан ички диалог юзага келади. У бу каби фикр ва қарашларни инкор этади ёки қабул қилади [3].

Рефлексия ўзини ўзи англаш жараёнини мақсадга мувофиқ ва англашган бўлишига ёрдам беради.

Ўспиринлик ўсмирликдан катталиқкача бўлган даврдаги қисқа муддат бўлиб, унинг ёш чегараси 15-16 ёшдан 21-25 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади. Айнан ўспиринликда инсоннинг шахс ва фуқаро сифатида шаклланиши рўй беради. Муболағасиз уни шахснинг иккинчи туғилиш даври деб айтиш мумкин. Ўспиринликнинг энг муҳим маънавий вазифаси шахсий ва касбий ўзини ўзи англаш жараёнидир. Ўспирин ўзига ва бошқаларга нисбатан ички позицияни (мақомни) шакллантиришга ҳаракат қилади (Мен кимман?, Нима учун яшайман?, Ҳаётда мен ким бўлишим мумкин?). Ўспиринлик даврида ҳаётий қадриятларни танлаш муаммоси жуда кучли кечирилади. Айнан ўспиринлик даврида эзгулик ва ёвузлик, орият ва орсизлик, ҳуқуқ ва мажбуриятлар каби категорияларни англаши ҳамда ҳаётга нисбатан ўзининг ички муносабатини танлайди. Мазкур муаммолар ўспирин учун тенгдошлар ва ўзи билан бўладиган қайноқ тортишувларнинг предмети ҳисобланади. Рефлексия ўспиринлик даврида жуда катта маънавий вазифани бажаради, яъни айнан у туфайли муҳим кашфиёт – ўзининг ички оламини кашф этиш амалга оширилади [4]. Ўспириннинг ривожланган рефлексияси кўп фонли бўлиб, у ўзининг ҳис – туйғу ва кечинмаларини акс эттириш, ўзига нисбатан

бошқа кишининг муносабатлари қанчалик самимий эканлигини аниқлаш имконини беради.

Рефлексия ўспириннинг ички дунёси майдонини уни динамик, жонли ва драматик қилинади. Тадқиқотчи Н.И.Руткина томонидан илк ўспиринлик давридаги рефлексияни ўрганишга бағишланган тадқиқотларида кўрсатилишича, 9-10 синф ўқувчиларининг 80% ида шахсий режадаги рефлексия позицияга (мақомга) ўтишда мулоқотдаги низоли вазиятлар (82% текширилувчиларда муҳим кўзгалувчи сифатида намоён бўлади ва юқори синф ўқувчиларининг ўзини ўзи таҳлил қилиш объектига айланади [6]. Рефлексия ижтимоий тизимда конструктивдир: у ташқи оламга нисбатан шахсий мақомни аниқлашга ёрдам беради. Бу ёшда инсон ўзининг кейинги давридаги ривожланиши орқали ёки моддий қулайлик учун буни амалга оширади. Мазкур танлов ёшларнинг қадриятли йўналганлиги, рефлексияга нисбатан қобилиятидаги фарқни аниқлайди. Маънавий имкониятларига кўра, мазкур ёш даври рефлексияга нисбатан қобилиятнинг ривожланишда инсонга ҳеч нарса бермаслиги мумкин. В.С. Мухинанинг таъкидлашича, мана шу даврни яшаб туриб психологик жиҳатдан ўсмир бўлиб қолиши мумкин [6].

Рефлексияни ривожланиши учун сензитив давр – ўсмирлик ва ўспиринликдир. Катталардаги рефлексив қобилиятни ўрганишга бағишланган тадқиқотларда аниқлашича, унинг кейинги ривожланиши махсус ташкил этилган таълим жараёнини маҳсули бўлиб, ўсмир ва ўспиринлик давридагига нисбатан жадал суръатларда кечмаслиги мумкин [6]. Бошқача қилиб айтганда, йиллар ўтиши билан катта киши ҳаётий донолиги билан ўз интеллектуал тажрибасини бойитиб бориши мумкин. Бироқ, ақлнинг рефлексив хоссаларида бу ҳолат кузатилмайди, чунки рефлексиянинг автоматик ривожланиши мумкин эмас [8]. Бунинг устига, тажрибада кўрсатилишича, ўспиринларда ақлнинг рефлексив интилганлиги йиллар ўтиши билан ўтмаслашиб боради.

Шу муносабат билан савол туғилади, ўзи билан ўзи ички диалогга эга бўлган бундай ажойиб қобилиятни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун нима қилиш керак? Нафақат соғлом фикр, балки тадқиқот натижалари (Найденов 1989, Семенов 2000) шуни тасдиқлайдики, рефлексиянинг инсон онгида мавжуд бўлишини ягона усули – маданий бойлик, мантиқий фикрларга тўлиқ муҳитдир. Таъкидлашича, рефлексиянинг прогрессив ўзгариши инсон онгининг “ўзига йўналганлигини” акс эттиришини доимий барқарор ва мақсадга мувофиқлигини мустаҳкамлашдир [5].

Бундан ташқари, илк ўспиринлик даврида операцион соҳанинг ривожланиши касбий билимларни ўзлаштириш, маҳорат, кўникмага эга бўлиш юзага келади [10].

Муаллифлар ўспирин шахсини ривожлантиришнинг қуйидаги даврлаштиришларини тақдим этадилар:

Биринчидан, унинг ҳаёт даврини барчасини қамраб олади, инсон психик тараққиёти қонуниятларига асосланган бўлади, ижтимоийлашув даврининг давом этишини ҳисобга олади, иккинчидан эса, замонавий шароитда ёшларнинг шахсий ва касбий ўзини ўзи англашини шартлайди.

Ўспиринлик даврида ўзини ўзи англаш аҳамиятли ўзгаришлар кечади – шахсий қадриятларнинг аҳамияти ошади, шахснинг ўз сифатларига берган хусусий баҳоси унинг яхлит ҳолда ўзига нисбатан муносабатини оширади. Бу ёшда инсон ўзининг олами билан боғлиқликни ҳис қилади.

1-жадвал

1-курс талабалар хулқ-атворда ўзини ўзи бошқариш ва рефлексивлик хусусиятлари ўртасидаги алоқадорлик

Рефлексивлик йўналишлари	Режалаштириш	Моделлаштириш	Дастурлаштириш	Натижаларни баҳолаш	Эгилувчанлик	Мустақиллик	Ўзини ўзи бошқариш даражаси	Ўзини ўзи бошқариш қобилияти
Фаолиятнинг ретроспектив рефлексияси	-0,12	0,15	-0,02	0,13	-0,05	- 0,08	0,05	0,05
Айни вақтдаги фаолият рефлексияси	-0,18	0,08	-0,22*	0,15	- 0,34**	- 0,15	-0,15	-0,22
Келажакдаги фаолият рефлексияси	0,12	-0,007	0,003	-0,04	0,36**	0,05	0,13	-0,01
Мулоқот ва бошқа шахслар билан ўзаро таъсир рефлексияси	0,30**	0,003	0,19	0,07	0,22*	0,16	0,19	0,27*

Тадқиқот натижаларига кўра, айни вақтдаги фаолият рефлексияси дастурлаштириш ($r=-0,22$; $p \leq 0,05$), эгилувчанлик ($r=-0,34$; $p \leq 0,01$) билан манфий корреляцион алоқадорлик мавжудлиги қайд этилди. Бундан кўринадики, шахсда реал вазият ҳақида фикрлаш ва таҳлил қилиш кўникмаларининг ортиши келгуси ишларнинг дастурини тузиш, қийин вазиятларга мослашиб кетиш хусусиятларининг камайишига сабаб бўлади.

Келажакдаги фаолият рефлексияси эгилувчанлик ($r=0,36$; $p \leq 0,01$) билан ўзаро алоқадорлик мавжудлиги аниқланди. Натижалардан шуни қайд этиш жоизки, талаба шахсида келгуси фаолият натижаларини англаш жараёнига турли вазиятларга мослашувчанлик каби омиллар сезиларли таъсир ўтказади.

Мулоқот ва бошқа шахслар билан ўзаро таъсир рефлексияси режалаштириш ($r=0,30$; $p \leq 0,01$), эгилувчанлик ($r=0,22$; $p \leq 0,05$), ўзини ўзи бошқариш қобилияти ($r=0,27$; $p \leq 0,05$) билан корреляцион алоқадорлик мавжудлиги қайд этилди. Мазкур кўрсаткичлар шуни англатадики, талабалардаги шахслараро муносабатларда ўз ҳолати ва фикрларини таҳлил қилиш сифатининг ортиши ўзидаги ички имкониятларни режалаштириш, эгилувчанлик, ўзини ўзи идора қила олиш хусусиятларининг ҳам ривожланишига замин ҳозирлайди.

Тадқиқот натижаларининг таҳлиliga кўра, шахсда рефлексивлик хусусиятларининг ривожланишида ёш, ҳудудий фарқлар кузатилади. Бу уларнинг ўзлари яшаётган ижтимоий муҳит, инсонлар ўртасидаги муносабат, қадриятлар тизими шахснинг ўзини ўзи англаш даражаси, ўз-ўзига бўлган муносабати ҳамда ўзгаларга нисбатан қарашлари билан тақазоланади. Шунингдек, шахс ривожланишининг дастлабки босқичларида рефлексивлик хусусияти ривожланиши яқка шахс нуқтаи назаридан эътироф этилса, кейинчалик, уларда бу қатор психологик омилларнинг уйғунликда кечиши билан тавсифланади.

Ўтказилган эмпирик тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

-шахс онтогенетик тараққиётининг дастлабки босқичларида рефлексивликнинг ривожланишида ёндош омилларнинг таъсири кучли эканлиги сезилмаса-да, талабаликнинг 3-курсига келиб, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими яққол намоён бўлиши аниқланди;

-рефлексив жараёнлар ривожланиши шахсдаги давр хусусиятлари, билим даражаси, дунёқарашнинг кенглиги ҳамда қадриятлар тизими билан алоқадорликка эга.

References:

- 1.Карпов А.В. Рефлексивность как психическое свойство и методика ее диагностики // Психологический журнал. 2003. Т. 24. № 5. С. 45–57.
- 2.Лефевр В.А. Конфликтующие структуры. М.: Советское радио, 1973.
- 3.Мудрик А.В. Время поисков и решений, или старшеклассникам о них самих.- М.,1989
- 4.Мухина В.С. Возрастная психология: феноменология, развития, детство отрочество М.: Изд – во Академия 1997
- 5.Найденов М.М. Групповая рефлексия в решении творческих задач при различной степени готовности к интеллектуальному Автореф. канд. психол.наук. Киев 1989
- 6.Руткина Н.И. Личностная рефлексия в подростковом возрасте: Автореф дис. канд. психол. наук. – М. 1983
- 7.Тулъвисте Т.К. О детерминации рефлексии в вербальном мышлении Дист.канд.психол.наук М. 1985
- 8.Холодная М.А. Психология интеллекта Парадоксы исследования – 2 ое изд., переролб и доп. – СПб.: Питер 2002

9. Шапарь В.Б., Россоха В.Е., Шапарь О.В. Новейший психологический словарь / Под общей ред. В.Б. Шапаря. Изд. 2-е. Ростов-на-Дону: Феникс, 2006. 808 с.
10. Щедровицкий Г.П. Коммуникация деятельность, рефлексия // Исследования рече-мысли и рефлексии. Алма – Ата 1979. С 138-154
11. Щедровицкий Г.П. Рефлексия / Избранные труды. М.: Шк. Культ. Полит., 1995. 800 с.
13. Щедровицкий Г.П. Рефлексия в деятельности // Вопросы методологии: Архив номеров (1991–1995). С. 157–188. <http://www.circle.ru/archive/vm/nom>
14. Юрчук В.В. Современный словарь по психологии. Минск: Элайда, 2000. 704 с.